

## МЕҲМОНХОНА МАЖМУАЛАРИ ЖОРИЙ ФАОЛИЯТ НАТИЖАВИЙЛИГИ БЎЙИЧА АУДИТОРЛИК ТАҲЛИЛИ

СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси  
ассистенти Алимова Нигора Комилджоновна

**Аннотация:** ушбу мақолада меҳмонхоналарнинг мулкдан фойдаланиши ва фаолият натижавийлиги аудиторлик таҳлилининг моҳияти очиб берилган ҳамда уларни ифодаловчи кўрсаткичлар асосланган.

**Калим сўзлар:** меҳмонхоналар, аудит, бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, меҳмонхона мулки, фаолият натижалари.

**Аннотация:** в данной статье раскрыты сущность аудиторского анализа использование имущество и результаты деятельности гостиницы, а также обоснованы их показатели.

**Ключевые слова:** гостиницы, аудит, бухгалтерский учет, анализ, имущество гостиницы, результаты деятельности.

**Annotation:** it is given essentials of auditing activity results and using properties of hotels in this article. Furthermore, there are indexes of expressing them.

**Key words:** hotel, auditing, counting, analyze, hotel's property, results of activity.

Меҳмонхоналар ташқи муҳитнинг узлуксиз ўзгариши шароитида ўз фаолиятини олиб боради, буларга: қонуний тартибни белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий база, иқтисодий муносабатдаги барча субъектлар ўртасида алоқа, солиқ назорати, хизматларга талаб ва таклиф, хизматлар, хом ашё, материаллар баҳоларининг ўзгаришлари киради. Меҳмонхоналардаги ички муҳит, яъни улардаги қабул қилинаётган қарорлар корхона фаолиятининг ўзгаришига олиб келади, бунга: технологияларнинг ишлатилиши, миждозларнинг таркиби, сони ва бошқалар мисол бўлади.

Юқоридаги ташқи ва ички ўзгаришлар меҳмонхона фаолиятининг натижавийлигига таъсир кўрсатади.

Меҳмонхона фаолияти натижавийлигини ифодаловчи кўрсаткичларни иккита катта гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1. Меҳмонхона мулкidan фойдаланиш натижавийлиги кўрсаткичлари;
2. Жорий фаолият натижавийлиги кўрсаткичлари.

Меҳмонхона мулкidan фойдаланиш ва жорий фаолият натижавийлиги кўрсаткичларини аниқлашнинг муҳимлиги ушбу долзарб муаммони ҳал этилишида ички ва ташқи аудит имкониятларидан ҳам кенг фойдаланишни объектив зарурат қилиб қўймоқда. Ҳам ички, ҳам ташқи аудиторлар холис экспертлар сифатида ушбу долзарб муаммоларни ҳал этишда фаол рол ўйнашлари лозим. Аммо амалиётда ички ва ташқи аудиторлар бу ролни тўлиғича адо этаяптилар, деб бўлмайди. Изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, ўтказилаётган аудиторлик текширувларида аудиторлар меҳмонхоналар мулккий ҳолатига факат баланс моддалари асосида баҳо бериш билан чегараланмоқдалар. Бинобарин, бундай аудиторлик баҳоси алоҳида олинган мулк турлари суммаларининг балансда реал акс этирилганлигини аниқлаш

билан чекланмоқда. Айрим аудиторлик ҳисоботларини ўрганиш уларда меҳмонхоналар алоҳида олинган мулк турларининг баланс валютаси умумий суммасидаги ҳиссаси, бу кўрсаткичлардаги ҳам ўзгаришлар тенденциясини аниқлаш каби муолажаларни ҳам ичига олаётганлигини кўрсатмоқда, холос. Аудиторлар томонидан амалга оширилаётган ушбу ишларни, табиий равишда, етарли деб бўлмайди. Холис экспертлар сифатида аудиторлар ҳозирги пайтда меҳмонхона бизнеси субъектлари мулкӣ ҳолати ҳамда мавжуд мулкдан самарали фойдаланиш даражасини ифодаловчи барча кўрсаткичларни аниқлашлари, улардаги ўзгаришларга аудиторлик баҳосини беришлари, шунингдек ушбу кўрсаткичларни янада яхшилашга қаратилган аудиторлик тавсияларини ишлаб чиқишлари ҳамда амалиётга жорий этишлари лозим. Айнан шундай ёндашишгина аудиторлик хизматлари ролини ошишига, ички ва ташқи аудиторларни фойдали экспертлар сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашга имкон беради.

Меҳмонхона мулкидан фойдаланиш ва жорий фаолият натижавийлиги кўрсаткичларига аудиторлик баҳосини бериш ушбу кўрсаткичларнинг илмий асосланган тизими ҳамда уларни аниқлаш методологиясининг мавжудлигига боғлиқ. Шунингдек, ушбу кўрсаткичларни аниқлаш ва уларга аудиторлик баҳосини бериш учун меҳмонхоналардаги ҳисоб ва ҳисобот тизими унга зарур бўлган атрофлича ахборотларни бера олиши лозим.

Хўш, ушбу долзарб назарий ва методологик масалалар ҳозирги кунда қай даражада ўз ечимини топган? Меҳмонхоналардаги ҳисоб ва ҳисобот тизими улар мулкӣ ҳолати ва мулкдан фойдаланиш самарадорлигини ҳамда жорий фаолият натижавийлигини ифодаловчи кўрсаткичларга аудиторлик баҳосини бериш учун зарур бўлган атрофлича ахборотларни бера оладими?

Таъкидлаш жоизки, меҳмонхоналар фаолиятининг иқтисодий асослари, шу жумладан улар фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини тизимлаш ва аниқлаш тартиблари хорижда ва республикамизда чоп этилган айрим ишларда ҳам аксини топган. Чунончи, А.Н. Холикулов томонидан меҳмонхоналарда сервис сифати ва самарадорлигини ифодаловчи турли кўрсаткичлар тизими ҳамда уларни аниқлаш тартиблари тавсия этилган. Проф. МД.Пардаев раҳбарлигида чоп этилган “Меҳмонхона хўжаликлариди самарадорликни ошириш муаммолари”<sup>1</sup> номли монографияда меҳмонхоналар мулкӣ ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари иккита гуруҳга ажратилган:

(1) меҳмонхона хўжалигининг моддий-техника базаси ва ташкилий-техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;

(2) меҳмонхона хўжалиги иқтисодий салоҳияти билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Мос равишда, ушбу олимлар 1-гуруҳ кўрсаткичларни ташкилий ҳолатни (бошқариш бўғинлари, таркиби, ихтисослигини) ифодаловчи кўрсаткичлар,

<sup>1</sup> Пардаев М. Қ., Холикулов А. Н., Рахимов Х. А. Меҳмонхона хўжаликлариди самарадорликни ошириш муаммолари. Т.: “иқтисодиёт”, 2013 йил. 64-67 бетлар.

моддий-техника таъминоти даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ва хизмат кўрсатиш жараёнининг технологик ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар каби куйи гуруҳларга ажратганлар.

2-гуруҳга кирувчи кўрсаткичлар тизимида улар меҳмонхона хўжаликлари мулкӣ ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи

кўрсаткичларни куйидаги алоҳида куйи гуруҳлар сифатида эътироф этганлар:

- (а) асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- (б) айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- (в) номоддий активлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Бирок, тавсия этилган ҳар бир гуруҳ ва куйи гуруҳ таркибига айнан қандай кўрсаткичларни киритиш лозимлиги бу ишда тўлиғича ўз ифодасини топмаган.

Юқоридагилар меҳмонхоналар мулкӣ ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ҳамда уларни аниқлашнинг назарий ҳамда методологик асосларини тўлиғича ишлаб чиқилмаганлигидан дарак беради. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, меҳмонхоналардаги ҳисоб ва ҳисоботнинг ҳозирда амалда бўлган тизими ушбу кўрсаткичларни аниқлаш ва уларга аудиторлик баҳосини бериш учун зарур бўлган атрофлича ахборотларни тўлиғича бера олади, деб бўлмади.

Бизнинг фикримизча, меҳмонхоналар мулкӣ ҳолатига доир ҳамда мулкдан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи барча кўрсаткичларни иккита гуруҳга, яъни миқдор ва сифат кўрсаткичларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бизнингча, бунда:

\* меҳмонхоналар мулкӣ ҳолати ҳамда бу мулкдан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи миқдор кўрсаткичлар деганда, меҳмонхоналар мулки алоҳида турларининг пул бирлиги ва натурал бирликлардаги ҳолати ҳамда меҳмонхоналар томонидан олинган жами даромад, килинган ҳаражат ва эришилган якуний молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар;

\* меҳмонхоналар мулкӣ ҳолати ҳамда бу мулкдан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи сифат кўрсаткичлар деганда, меҳмонхоналар мулки алоҳида турларидан фойдаланиш даражаларининг пул бирлиги ва натурал бирликлардаги ҳолати ҳамда уларнинг бир бирлигига тўғри келувчи ўртача даромад, ҳаражат ва якуний молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тушунилиши лозим.

Меҳмонхоналар мулкӣ ҳолати ҳамда мулкдан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичлари таркиби бу турдаги субъектларнинг барчаси учун яхлит тартибда белгиланиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки, айнан шундай яхлит тартибнинг мавжудлиги меҳмонхоналарнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини солиштирма ўрганиш, улар рейтингини холис баҳолаш, илғор ва қолоқ корхоналарни аниқлаш, юқори сервисга эга бўлган меҳмонхоналар тажрибаларини тарғиб қилиш имконини беради. Ушбу мақсадга эришиш учун ҳамда юқоридаги таърифларга асосланган ҳолда, бизнингча, меҳмонхоналар мулкӣ ҳолати ҳамда мулкдан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳар иккала гуруҳлари яхлит таркибига куйидаги хусусий кўрсаткичларни киритишни

мақсадга мувофиқ, деб биламиз:

1. Микдор кўрсаткичлари:

- Меҳмонхона жами активлари ва алоҳида турларининг қиймати;
- Меҳмонхоналардаги жами хоналар, шу жумладан алоҳида мақомдаги хоналар сони.

2. Сифат кўрсаткичлари:

- Меҳмонхоналардаги жами хоналар, шу жумладан алоҳида мақомдаги хоналарнинг ўртача бандлик даражаси;
- Меҳмонхонадаги жами ўринлардан фойдаланиш коэффициенти.

Меҳмонхоналар мулкӣ ҳолати ҳамда мулкдан фойдаланиш самарадорлигини ва жорий фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва баҳолашни юқорида келтирилган яхлит тартибларда амалга оширилиши, бу тартибларга ўтказиладиган ички ва ташқи аудитда тўлиғича асосланиши, бизнингча, ҳозирда мавжуд бўлган бир катор назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилишга имкон беради. Буларнинг асосийлари сирасига, чунончи, куйидагиларни киритиш мумкин:

(1) меҳмонхоналар мулкӣ ҳолати ҳамда мулкдан фойдаланиш самарадорлигини ва жорий фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларни тўғри тизимлаш, уларни аниқлаш ва баҳолашнинг яхлит илмий асосини белгилаш ҳамда амалиётда бир хилда қўллашга эришиш;

(2) ўтказиладиган аудиторлик текширувларида меҳмонхоналар раҳбарларини эришилган ва эришилмасдан қолинган натижалар, йўқотилган имкониятлар, эътибор берилиши лозим бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш, шу асосда аудиторларнинг ҳолис экспертлар сифатида миқозлар олдидаги мовкеи, масъулияти ва жавобгарликларини оширишга эришиш;

(3) аудиторларнинг ўзлари учун муҳим бўлган аудиторлик муолажаларини тўғри белгилаш имкониятига эришиш.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Филипповский Е.Е., Умарова Л.В. Экономика и организация гостиничного хозяйства. - М.: Финансы и статистика, 2008. - 176 с., Чудновский А.Д.

2. Менеджмент в туризме и гостиничном хозяйстве. - М.: кнорус, 2007. - 320 с.; Туризм и гостиничное хозяйство. Учебник /под ред. А.Д. Чудновского. - М., экмос, 2001. - 400 с.; Кудратов ГД-, Тухлиев И.С. Туризм иқтисодиёти. - Самарканд, СамИСИ, 2007.

3. Холиқулов А. Н. Меҳмонхоналарда сервис сифати ва самарадорлигини ошириш имкониятлари. Иқт. Фанлари номзоди дараасини олиш учун диссертация автореферати, самарқанд, СамИСИ, 2011.

4. Пардаев М. Қ., Холиқулов А. Н., Рахимов Х. А. Меҳмонхона хўжаликларида самарадорликни ошириш муаммолари. Т.: "Иқтисодиёт", 2013 йил.

5. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

6. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)